

**МАҚОМ САНЪАТИДА МУСИҚА ЧОЛГУЛАРИНИНГ ТАДРИЖИ****Мамазияев Хуршиджон Аъзамжон ўғли**ФарДУ Санъатшунослик факультети Мусиқий таълим ва маданият кафедраси  
ўқитувчиси<https://doi.org/10.5281/zenodo.6646806>

**Аннотация.** Мазкур мақолада уд, танбур, дутор, тор ва доира каби мақом санъатининг ўз давридаги етакчи мусиқа чолғулари, уларнинг ижрочилик амалиётидаги тадрижи ҳақида сўз юритилади. Бундан ташқари ушбу чолғуларнинг халқ орасида тарқалганлик даражаси, ижрочилик манераси ҳақида ҳам эслаб ўтилган.

**Калим сўзлар:** мақомлар, Шашмақом, миллий чолғулар, танбур, дўмбира, Барбад, Уд, Дутор, Ўзбек тори, Доира, мусиқа тарихи, Сурнай мақомлари

**ЭВОЛЮЦИЯ МУЗЫКАЛЬНЫХ ИНСТРУМЕНТОВ В МАКОМНОМ ИСКУССТВЕ**

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются ведущие музыкальные инструменты того периода, такие как уд, танбур, дутар, тор и доира, и их эволюция в исполнительской практике. Также упоминались уровень популярности этих инструментов в народе и стиль исполнения.

**Ключевые слова:** макомы, шашмаком, национальные инструменты, танбур, барабаны, барбад, уд, дутор, узбекские тори, доира, история музыки, сурнайские макомы

**THE EVOLUTION OF MUSICAL INSTRUMENTS IN THE ART OF MAQOM**

**Abstract.** This article discusses the leading musical instruments of the period, such as oud, tanbur, dutar, tor and doira, and their evolution in the practice of performance. The level of popularity of these instruments among the people and the style of performance were also mentioned.

**Keywords:** maqoms, Shashmaqom, national instruments, tanbur, drums, Barbad, Ud, Dutar, Uzbek tori, Doira, music history, Surnay maqoms

**КИРИШ**

Мақомлар инсоният маънавияти ифодасининг юксак наъмунаси бўлиб, асрлар оша ўз салобати билан барчани ҳайратлантириб, ўзига мафтун этиб келмоқда. “Мақом” атамаси мусиқа илми нуктаи назаридан турли маъноларни англатсада, бугунги кунда, биринчи навбатда, асосан мусиқий жанр ва туркум асар сифатида тушунилади. Мақомларни илмий жиҳатдан ўрганиш узоқ ўтмишда бошланган. Мақомшунос олимларнинг фаразларига кўра мақомлар узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтган. Шарқ бастакорлик мактабининг бизга маълум энг биринчи намоёндаси Барбад Марвазий бўлиб, шоҳ Хусрав Парвиз II саройида мусиқачилар раҳбари сифатида фаолият юритган. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари ва бошқа кўплаб манбаларнинг гувоҳлик беришича Барбад йилнинг 360 кунда ижро этиладиган туркумли асарлар яратган. Афсуски, бугунги кун мусиқа амалиётида ушбу куйларнинг мавжудлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Улардан энг машҳурларининг номларигина бизга маълумдир. Айнан Барбад фаолиятида юзага келган бундай туркумийлик Шарқ мақомлари тизимининг илк наъмунаси деб қаралади. Ўрта асрлар мусиқа илмининг тадқиқодчиларидан бўлган Сафиуддин Урмавий илк бор “Ўн икки мақом” (“Дуваздахмақом”) туркуми ва мақомлар

тизими ҳақида маълумотларни баён қилган. Ушбу мақомлар ижрочилиги ўша даврнинг универсал чолғуси ҳисобланган “Уд”да ижро этилган.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Умуман олганда “Уд” яъни “Барбат” чолғуси узоқ замонлардан бери Шарқ мусиқий тафаккурини жонли акс эттирувчи восита ҳисобланган. Ўзининг ёқимли тембри ва мукамал тузилиши сабабли уд чолғуси ўтмишда мусиқанинг назарий масалаларини тушунтиришда етакчи соз эди.

Узоқ вақт давомида ушбу чолғу мусиқа амалиётида истеъмолда бўлган. Уднинг бизга маълум бўлган илк намунаси Айритомдан топилган эрамизнинг биринчи асрига оид маданият ёдгорлигидаги тасвирдир. Профессионал мусиқа билан шуғилланган барча мусиқашунослар ушбу чолғуда ижро этишни мукамал эгаллаганлар. Кейинчалик уднинг ўрнини бошқа қадимий чолғулардан бўлган танбур ва дутор эгалай бошлаган. “Уд Ўрта Осиёда қарийиб XVII асрларгача яшаган (Кавкабий ва Дарвиш Алининг “Рисолаи мусиқий” китобларида (Ш.И. инв.№468 ЁIV ва 499) олти торли уд асбоби(чолғуси) ҳақида айтилган фикрлар бунинг далили бўла олади. Сўнги даврларда яратилган Ўрта Осиё халқлари мусиқа маданиятига доир манбаларда эса уд ҳақида маълумотлар йўқ.), - деб тахмин этиш мумкин; кейинчалик эса бу ерда истеъмолдан чиқиб кетган ҳамда унинг хусусиятлари ва функциясини бажара оладиган танбур, рубоб, дутор каби қадимий мусиқа чолғулари машҳур бўла бошлаган. Уд ҳозирги кунда Кавказ халқларида, арабларда, Эронда, туркларда ва кўпгина Европа халқларида яшаб келмоқда. Европада эса “лютния” номи билан машҳурдир.”

Даврлар ўтиб Шарқ мусиқа дунёсида “Шашмақом” номи билан довруқ қозонган мукамал мусиқий туркум вужудга келди. Мақомдон олимларимиз унинг мустаҳкам бир тизим сифатида узил-кесил мукамаллика эришган даврини XVIII аср деб эътироф этадилар. Унинг юзага келишида ва тизимлаштирилишида ҳеч шубҳа йўқки, мумтоз мусиқа ижрочилик амалиётида кенг қўлланиб келинган етакчи чолғу Танбурнинг ўрни бекиёсдир.

Танбур жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган чолғулардан биридир. Ўз оҳанг таровати, ижро имконияти, ҳиссий таъсири каби жиҳатлардан бошқа турдаги чолғулар орасида мустаҳкам ўринга эга бўлиб келган. Вақт ўтиши баробарида ушбу чолғу ҳам мукамалликка юз тута бориб, анъанавий мумтоз мусиқа ижрочилигида етакчиликни қўлга киритган. Бунда энг аввало, овоз имконияти, ўзига хос ижро услуби каби жиҳатлари уни машҳур ва сеvimли бўлишига асос бўлгандир.

Танбурнинг бугунги кундаги аниқ ёшини белгилашнинг имкони йўқ. Бу ҳақда ўзбек мумтоз мусиқасини биринчилардан бўлиб илмий асослаб берган атоқли ўзбек зиёлиси Абдурауф Фитрат ўзининг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” монографиясида шундай дейди: - “Бурунги мусиқий китобларимиз «танбур» сўзини «тунбура» шаклида ёзадирлар-да, аслида юнонча сўз эканини сўзлайдирлар.

Бу чолғунинг чиндан-да юнондан келиб-келмаганини биз томондан текшириш мумкин бўлмади. Бироқ бу чолғунинг Шарқда жуда эски бир нарса экани маълумдир. Машҳур Наср-и Сайёрнинг Хуросон волийлиги замонида Хуросондан Шом шаҳрига «тунбур»лар, «барбат»лар истанилгани «Равзату-с-сафо»да хабар берилган. Ўрта Осиё халқлари орасида «дўнбра» аталган бир чолғу бор. Тори икитадир. Ўзи бу кунги бизнинг

дуторимиздан кичкина, пардалари ҳам ундан оздир. «Тунбур», «тунбура», «дўнбра» сўзларининг биргина сўз эканида шубҳа йўқдир. Мана шу маълумотга таяниб, эскидан борлиги хабар этилган «танбур» — «тунбура»нинг бу кунги «дўнбра»нинг худди ўзи ё шунга яқин бир нарса эканига, яъни бу кунги бизнинг танбуримизнинг икки торли, ибтидоий бир шакли бўлганига ҳукм этилса, янглиш бўлмайди.»

Тарихдан маълум бўлишича, танбур азалдан нафақат ўзбек, тожикларда балки Эрон, Туркия, Хиндистон каби давлатларда ҳам мавжуд бўлган. Улар ташқи кўриниш жиҳатидан фарқлансаларда умумий номга эгадирлар. Танбурнинг узоқ асрлик тарихи ҳақида археологик топилмалар, хусусан,, тош хайкалчалар, ҳашаматли деворий ва миниатюра тасвирлари буни исботлайди. Масалан, милоддан аввалги 3 минг йилликка оид Месопатамия рельефларида кичик танали ва узун дастали чолғуларнинг тасвирлари учрайди.

Танбур – “Шашмақом” ва шу билан бирга бутун ўзбек мақомлари ижрочи ҳофизларининг асосий ёрдамчисидир. Бунга сабаб унинг тембр жиҳатидан одам овозига жуда яқинлигидир. Замонлар ўтиб танбурнинг кўриниши ва овоз тарануми ўзгариб бориши айнан мақом хонандаларининг овоз таровати ўзгариб боргани билан боғлиқдир. Айтишларича, илгарилари мақом хонандаларининг овози бирмунча ингичкароқ ва баландроқ бўлган, кейинчалик турли генетик аралашув ва атроф муҳит таъсири остида овоз қалинлашган. Бу эса танбурнинг овоз чиқариш жиҳатидан ўзгариб боришига сабаб бўлган. Ушбу нарса мақом ижрочилигидаги энг керакли хусусиятлардан биридирки, унга кўра хонанда ва унинг таянч ҳамроҳи бўлган чолғу овози бир-бири билан мутаносиб бўлиши керак.

#### ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Манбаларда келтирилишича танбур атамаси икки сўз бирикмасидан ҳосил бўлган бўлиб “тан” – юрак, “бур” – тирновчи, китикловчи деган маъноларни англатар экан. Қадимдан танбурнинг икки тури бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Улардан бири чертиб чалинувчи, иккинчиси камончали танбур. “Катта мусиқа китоби”да Форобий танбурнинг икки торли Бағдод ва Хуросон танбури ҳақида маълумотларни келтиради. XIV асрларда яшаб ўтган Шарқнинг яна бир забардаст мусиқийшуноси Абдулқодир Мароғий танбурнинг камон билан чалинадиган яна бир тури ҳақида маълумот бериб, уни “Най танбур” деб атайдди. Ушбу чолғу бугунги кунда “Сато” номи билан машхур.

Дастлаб танбур торлари ипакдан бўлиб, кейинчалик улар мис симлар билан алмаштирилган. Танбурнинг иккитадан - олтигагача сими бўлган турлари (сетор, чортор, панжтор, шаштор) мавжуд бўлиб, мақом ижрочилигида одатда унинг тўрт торли тури қўлланилган.

Маълумки мақом, хусусан,, Шашмақом, Хоразм мақомлари - хослар санъати бўлиб, асосан сарой муҳитида, подшоҳлар хомийлиги остида ривожланган. Ушбу ижролар мукамал кўринишда бўлиши учун юксак иқтидор эгалари саройларда мақом ижрочилигига маҳсус ва жиддий ўргатилган. Ҳар бир мақомни ижро этишда бир қатор шартлар бўлган. Улардан бири: туркум асар бир-биридан ажратилмасдан, бирин-кетин барчасини ижро этишдир. Катта ҳажмли бундай туркумларни ижро этишга узоқ вақт ва катта таёргарлик керак бўлган. Бу эса мақом ижрочисидан фавкулотда қобилият, юксак идрок ва машаққатли меҳнат талаб қилган. Ушбу ижрочилик билан баробарида халқ

ичида мумтоз йўлдаги нисбатан энгил услуб устуворлик қилган бўлиб, мусиқа илмида “Асл Шашмақом” ва “Маъмулий” услубдаги мақомлар деган тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Яъни, “маъмулий” йўлда ижод этилган асарлар “асл” кўринишдаги етук мақомларга нисбатан бирмунча энгил услубда ижро қилинган. Унда туркумийлик ва аниқ парда қоидалар унчалик устун бўлмаган. Халқ орасида маъмулий йўлдаги ижрочиларни “савтчи” ёки “савтхон” деб аташ расм бўлган.

Танбур – ушбу мақом туркумлари ижрочилигида устуворлик қилган. Хоразм ва Фарғона-Тошкент мақом туркумлари айнан танбур воситасида ўзининг мукаммалигига эришган. Хоразмда бир вақтда икки чолғу мақомлар ижро этишда етакчилик қилгани боис “Танбур мақомлари” ва “Дутор мақомлари” деган ибора ва тушунчалар пайдо бўлган. Ушбу икки ҳудуд танбур ижрочилигида ўзига хос ижро услуб-усуллар шаклланган бўлиб, бу аввало, чап қўлнинг ҳаракатларида кузатилади.

Агар Шашмақомнинг асл кўринишида танбур етакчилик қилган бўлса, халқ услубидаги мақом йўлларида Хоразм, Фарғона, Тошкент каби ҳудудларда дутор устуворлик қилган. Ушбу чолғу асосида ҳаттоки Хоразмда “Дутор мақомлари” вужудга келганки, бу нарса дуторнинг мақом ижрочилигида юксак ўринларда турганидан далолат беради.

Мусиқа чолғулари орасида дутор чолғуси ўзига хос жозибаси билан ижрочиликни сезиларли бойитди, ҳамда мусиқа маданиятидан муносиб ўрин олди. Айнан, дутор ҳозирги вақтда анъанавий ижро услубига хос барча гуруҳ таркибидан жой эгаллаб, унинг анъанавий ва қайта ишланган намуналари, функцияси, оилавий чолғулари, локал нусхалари, анъанавий ва замонавий ижро услуб ва усуллари билан ўзига хосликни таъминлаб, тараққий этмоқда. Дутор ўзбек халқ мусиқа чолғулари орасида ўзгарувчан хусусиятга эга ҳамда ижрочиликда унинг керакли пардага созланиши, услуб-усуллари мавжуддир.

Дутор жуда қадимий чолғулардан бири бўлиб, ижро этиш имкониятлари танбурга нисбатан энгиллиги сабабли оддий халқ орасида оммавий бўлган. Ўзига хос ширадор ва паст овозга эгаллиги сабабли айниқса аёллар орасида кенг тарқалган.

Дутор форсийча “икки тор” деган маънони билдиради. Бизга маълум бўлган у ҳақидаги дастлабки маълумотлар Зайнуллобиддин Хусайнийнинг “Қонун” (бошқа номи “Қонуни илм ва амали мусиқий”) мусиқий рисоласида келтирилган. XV асрнинг ёзма ёдгорликларидан бири бўлган ушбу рисола Ҳазрат Навоийнинг махсус топшириқлари асосида вужудга келган бўлиб, форс тилида, араб имлосида битилган. Алишер Навоийга бағишланган ушбу китобида муаллиф ўша даврда мавжуд бўлган ўн бир пардали, квартага созланувчи дутор ҳақида қимматли маълумотларни баён қилади. Рисолада дутор чолғуси даста қисмининг чизмаси берилиб, ундаги пардалар араб алифбоси ҳарфлари асосида белгилаб чиқилган. Ушбу рисола таниқли мусиқа тадқиқодчиси А.Семёнов томонидан рус тилига таржима қилинган. Бугунги кунда унинг қўлёзма варианты Санъатшунослик илмий-тадқиқод институти фондида сақланмоқда. Тожикистонлик мусиқашунос Асқарали Ражабов Хусайнийнинг рисоласини бугунги кундаги кирил алифбосига солиб, таҳрир қилган ҳамда А.Семёнов таржимасидан нусха олиб уларни бир китобга бирлаштиради ва Душанбеда нашр қилишга мувофақ бўлади.

Бизга маълумки, дутор ўзининг ўтмишдоши ҳисобланган, Қашқадарё-Сурхандарё воҳаларида истиқомат қилувчи халқ бахшилари кенг фойдаланадиган дўмбира чолғуси билан яқин ўхшашлик касб этади. Ушбу ўхшашлик улар ўртасидаги ташқи кўриниш, ижро услуби ва оҳанг таровати билан намоён бўлиб, дуторни дўмбира чолғусининг такомиллашган тури дейишимиз ҳам мумкин. Ўзбек мумтоз мусиқасини биринчилардан бўлиб илмий асослаб берган атоқли олим Абдурауф Фитрат ўзининг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” китобида дўмбира чолғусини ўзбекларнинг яна бир етук чолғуларидан “танбур” билан номдош деб ҳисоблайди. Унга кўра “танбур” бахшилар дўмбирасининг ўзгарган шаклидир.

### МУҲОКАМА

Таниқли мусиқашунос Отаназар Матёкубов эса “Мақомот” китобида, Форобийнинг мусиқашуносликка оид рисолаларида қайд этилган маълумотларга таяниб, куйидаги фикрларини баён қилган: “Форобий танбурнинг бир-биридан фарқланувчи икки хилига батафсил тавсиф беради. Улар Хуросон ва Бағдод танбурлари деб номланади ҳамда мусиқа маданиятининг тараққиёт босқичи сифатида қаралади. ...Хуросон танбури ўзининг кўплаб белгилари билан замонавий дуторни эслатади. Биринчидан, Хуросон ва Бағдод танбурлари Форобийда икки торли чолғу сифатида кўрсатилган. Иккинчидан, Хуросон танбурининг товушқатори парда тузилмаси ва кўлами (амбитуси) ўзбек дуторларига жуда яқин”. Форобий замонасида араб тили илмий тил бўлганини инобатга олсак, форс тили ҳукмронлик қилган даврлардан бошлаб Форобий зикр этган Хуросон танбури – “Дутор”, яъни икки торли чолғу, дея атала бошланган дейиш мумкин. Ушбу фикрни Фитратнинг ўз рисоласида, Дарвеш Али Чангий маълумотларига таяниб, Ҳусайн Бойқаро замонида Маҳмуд Шайбоний исмли мусиқачи икки торли танбурга учинчи торни қўшгани ва у “сетор” деб аталгани ҳақида ёзган маълумотлари ҳам тасдиқламоқда. Булардан ташқари Ҳусайнийдан кейин XV-XVI асрлар мусиқаси ва чолғулари ҳақида маълумот берувчи Дарвеш Али Чангийнинг (XVI-XVII аср) “Рисолаи мусиқий” сида дутор чолғуси ва унда ижро этадиган машҳур созандалар ҳақида тўхталиб ўтилган. Дарвеш Али ҳам ўз навбатида мусиқа чолғуларидан танбур ҳақида маълумот берар экан, унинг торлари XVI асрларгача ипакдан бўлганини, моҳир ижрочилар танбур товушининг тембри янада жозибадор бўлиши учун кумуш ва мис симларидан фойдаланишгани ҳақида ёзади. Шу ўринда моҳир созанда, ўзбек халқининг ифтихори бўлган устоз санъаткор Турғун Алиматовнинг бу борада билдирган фикрлари қимматли аҳамиятга эга: “...Турғун Алиматов таърифига кўра дутор ва танбур (устоз бу сўзларни доим қўшиб дутор-танбур дейдилар), аслида бир нарса, яъни ягона муаззам чолғунинг дутор – пинхоний, майн (“аёл”) танбур эса ошкорий, қаттиқ (“эркак”) кўриниши. Танбурга сим тортилиб, темир нохун билан ижро этилади. Бағри юмшоқ пука тут ёғочидан ясалган дуторнинг ипак торлари бармоқларнинг учи, яъни энг юмшоқ жойлари билан силаб чалинади.”

Композитор В.А.Успенский XX аср бошларида туркман мусиқасини тадқиқ қилиш жараёнида тўплаган кўплаб мусиқа асарлари дутор чолғуси жўрнавозлигида ёзиб олинган. Муаллиф дуторнинг тузилиши, материал таркиби, созланиш меъёрлари, ижрочилик усул ва услубларини баён қилар экан унинг “ёмут” халқида “тамдир” деб аталгани ҳақида билдиради. Чолғунинг бундай номланишига сабаб, аввало, унинг косахонасини тайёрлашда ишлатиладиган материаллар (қовурҳалари, қопқоғи) тандирда



маълум даражагача тоблаб, қиздириб олинарди. Бу нарса дутор чолғусининг тембр-акустик жиҳати билан боғлиқ бўлиб, меъёрида тобланган чолғу ёқимли ва ширадор оҳангларда жаранглаган. Агар қиздириш белгиланган муддатдан озгина ўтиб кетса хом ашёнинг сифати бузилиб, чолғу учун яроқсиз бўлиб қолар эди. Шунинг учун ҳам чолғусоз уста бу жараёнда хушёр туриб, эътиборни ҳар доимгидан кўпроқ қаратиши керак бўларди.

В.М.Беляевнинг “Ўзбекистон мусиқа чолғулари” (“Музыкальные инструменты Узбекистана”) асарида баён қилинган фикрлар дуторни чолғу сифатида ўрганишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Бу асарида муаллиф бошқа мусиқий асбоблар каторида дуторнинг ҳам ўзбек чолғушунослигида эгаллаган ўрни, таъсир доираси ва ижрочилик масалаларигача ёритиб беради.

Мақомлар, умуман олган мумтоз куй ва кўшиқлар маълим бир усул асосида ижро этилади. Балки айнан усулларнинг ритм формулалари маълум бир лад асосида куйлар яратилишига асос бўлгандир. Чунки куй ритми одатда усул ритми билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Ўзбек мумтоз мусиқаси тараққиётида куйларнинг ритм асоси доира чолғуси орқали очиб берилган. Зарбли чолғулар ичида доира танбурга энг яхши жўр бўлувчи соз сифатида ўзини намоён қилган. Нисбатан янгроқ ва баланд овоз темрига эга бўлган ноғора чолғуси тўй хашамлар ва ёки оммавий байрамларда шундай янгроқ овоз кучига эга бўлган сурнай ва карнайлар билан яхши ҳамоҳанглик қилади.

Ўзбек мақомлари, хусусан, Шашмақомлар икки асосий унсурдан ташкил топган. Улардан бири парда асоси бўлса иккинчиси усул доираларидир. Шашмақом қисмларининг барчаси аниқ ишлаб чиқилган доира усуллари асосида ижро этилади. Асарларнинг номида ҳам кўп ҳолларда усул ва лад номларини кўришимиз мумкин. Масалан, Насри Сегоҳ деганда сегоҳ лади асосидаги наср усулида ижро этиладиган мусиқий асар назарда тутилади. Шарқ мусиқийшунослар усул яратишни куй яратиш билан бир нарса эканина такидлаб келадилар. Бугунги кунда мавжуд бўлган усуллардан айримларини Навоийга тегишли бўлганлигини ҳам келтирадилар. Булардан хулоса шуки, мақом ижрочилигида доира чолғуси асосий ва етакчи чолғулардандир.

XX аср мақом ижрочилигига бошқа чолғуларнинг кириб келиши кузатилади. Шулардан бири Озарбайжон тори бўлиб, ўзбек миллий ижрочилик анъаналарига мослаштирилган кўриниши “Ўзбек тори” деб юритилмоқда. Бугунги кунда ушбу чолғу Хоразм мақомлари ва умуман Хоразм мумтоз мусиқаси ижрочилигининг рамзига айланган. Мусиқашунос Отаназар Матёкубов Хоразм мақомларининг торда ижро этиш бошланган даврни Муҳаммад Рахимхон II замони билан белгилайди. Унга кўра сарой мусиқачиси Қаландар Дўнмас озар торидан нусха кўчириб, рубоб (тор) чолғусини ясаб, унга дутор танбурга хос пардалар боғлаб ижро этиб юрган. “Кекса созандаларнинг ҳикоя этишича, тор-рубобнинг Хоразмда жорий этилиш тарихи қуйидагича: базмлардан бирида турк (Озарбайжон) созандаси тор чалиб, Ферузнинг дилини ром этган. Торнинг юмшоқ ва кўнғироқ садоси Хоннинг кўнглига ўтирган. Шунда Қаландар Дўнмасга тезлик билан ўхшаш асбоб ясаш ва унда Хоразм куйларини чалиш вазифаси юклатилган.

Қаландар Дўнмас торнинг андозасида янги асбоб ишлаб, унинг пардаларини танбур-дуторникига мос этиб боғлаган. Чалиниши ҳам озарбайжонча йўлда эмас, айнан танбур ва дуторга хос зарб ва нолалар билан ижро этилган. Хуллас, торнинг шундай янги бир кўриниши пайдо бўлганки, унга мустақил чолғу ўрнида "рубоб" деб ном бера

бошлаганлар. Шу тариқа бу чолғу нафақат сарой ва эл созандалари, балки бахши ва гўяндалар (диний мавзудаги "сувора" йуларини айтувчилар) орасига кира бошлаган. Хожихон Болтаевдан бошлаб Хоразм мақомларини танбур эмас, рубоб (тор) жўрлигида айтиш расм бўлди”.

Замонавий мақом ижрочилигида чолғулар доираси анча кенгайган бўлиб, бугун деярли барча миллий чолғуларда мақомлар ижро этилаверади. Булардан уд, ғижжак, най, рубоб, тор каби чолғулар бугун мақом ижрочилигида яккасоз ва ансамбл чолғуси сифатида ишлатилади. Фарғонада, ҳатто сурнай чолғусида ижро этиладиган мақом йўлидаги “Сурнай мақомлари” деб юритиладиган туркум асарлар бор.

### ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, мақомлар ижроси тараққиёти давомида етакчи чолғулар ўз даврига кўра ўзгариб турган. Масалан, ўрта асрларнинг универсал чолғуси Барбат мақом ижрочилиги ва назариётида муҳим ўрин тутган бўлса, кейинчалик Шашмақом куйларининг ижросида танбур ва доира асосий аҳамиятга эга бўлган. “Шашмақомнинг калити – танбурда” – деган ибора шундан қолган. Вақт ўтиши билан мақом ижрочиларининг таркиби ҳам ўзгариб борган, масалан, ўтмишда Шашмақом сарой созандалари томонидан якка ёки жуфлик (танбур ва доира) чалинган бўлса, бугунги кунда эса ансамбл чоғуларини билан ижро этиш расм бўлган.

### *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

1. Беляев В. Музыкальные инструменты Узбекистана. – Москва: Гос.муз.издательство, 1933. – 131с.
2. Бегматов С. Қодиров Н. Ансамбл синфи. Тошкент, 2008.
3. Бегматов С. Матёкубов М. Ўзбек анъанавий чолғулари. Тошкент: 2008.
4. ВызгоТ. Музыкальные инструменты Средней Азии. Исторические очерки. – Москва: Музыка, 1980. – 190с.
5. Кароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка (наследие). – Ташкент: 1972. – 359 с.
6. Матёкубов О. Мақомот. – Тошкент: Мусиқа, 2004. – 399 б.
7. Ражабов И. “Мақомлар” Тошкент. 2006.
8. Фитрат А. Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи. – Тошкент: 1993. – 33б.
9. Хакимов Н.Г. Таджикские музыкальные инструменты. (комплект из 6 книг) Таджикистаннаме – Стамбул: 2012. – 50 с.
10. Абдукаримов М. Танбур, сато и сатар в музыкальной традиции Узбекистана и Таджикистана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. – Ташкент: 1997. – 26 б.
11. Малькеева А. Музыкальный инструментарий народов Среднего Востока в аспекте музыкально-исторических взаимосвязей. Диссертация на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. –Ташкент: 1983. ЎЗР ФАСИ № 799. – 208 с.
12. Расултоев Ж.К.Бесписьменная дутарная исполнительская традиция узбеков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. – Ленинград: 1985.

13. Расултоев Ж.К. Узбекская традиционно-исполнительская культура. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора искусствоведения. – Ташкент: 2004. – 36 с.
14. Эшанкулов М. Музыкальные инструменты в системе искусства макома. Диссертации на соискание ученой степени доктора искусствоведения. – Санкт-Петербург: 2016. – 174 с. СМИ.
15. Абдурашидов А. Об определении позиций танбураи их обозначений в современной практике. // Вестник музыкальной науки. 2020. Т. 8, № 4
16. Xurshidjon Mamaziyaev, [6/14/2022 13:08]
17. Мирзахамдамовна, Қ. Б. (2022). БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА БАДИИЙ ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТАЙЁРЛАШ ШАКЛ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(5), 185-198.
18. Nurullayevna, N. M., & Muhlisa, T. (2021, December). SOME PROBLEMS AND SHORTCOMINGS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM. In *Archive of Conferences* (pp. 61-62).
19. Nasritdinova, M., & Khokimova, K. (2021, October). LANGUAGE IS THE MIRROR OF THE NATION. In *Archive of Conferences* (pp. 92-94).